

Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE

Меҳрибон ва раҳми Аллох номи ила

Бузук ахлоқ

Кадимий шаҳарлардан бўлган Садум шаҳрида инсониятнинг фиск-фасоди кўпайди. Агар бирорталари шеригида кандайдир ёмон ишни кўрса, ундан кайтармасди. Агар дўстида бирор яхшиликнинг (яхши ишнинг) гувоҳи бўлса, килаётган ишидан халос қилмагунича курашарди. У ерда барча инсонлар (тўғри йўлдан) адашган, залолатда ва жаҳолатда эдилар, ҳақ гапни эшитмасдилар, агар уларга бирор ваъз қилувчи ваъз қилса ёки насиҳатчи насиҳат қилса, ҳақиқатни қабул қилмасдилар. Улар инсониятнинг энг бузуклари – қабихлари – ҳулки энг хунуклари эдилар. Ҳаётлари хиёнат ва талон-тарождан (бировнинг ҳаққини ейиш) иборат эди, шундай экан, уларнинг барчалари бузук ахлоқли ва ёмон ниятли эдилар. Шунинг учун залолат, бузуклик ва гуноҳ ишларни кўпайтирдилар.

Харом ишларнинг таркалиши

Гўёки ёлгон, соткинлик, талон-тарож ва бошқа бузук ишлардан уларнинг нафслари конмагандек эди, улар хали бирор кимса якинлашмаган бир бузук ишни топдилар. У нима эди? Улар Аллох ўзлари учун халол килган аёлларни тарк килиб, уларга уйланмадилар. Ўз аёлларини кўйиб, Аллох харом килган эркаклар билан бузуклик килдилар. Кошки, улар бу балони яширолсалар ёки ундан халос бўлиш ёхуд ундан узоклашишга ҳаракат килсалар эди. Аксинча, улар бу ишни килдилар, унга ошкора даъват килдилар, ҳатто бузуклик фош бўлиб харом ишлар таркалди, уларнинг ахлоклари улкан даражада паст бўлиб қолган эди, (хулқларининг) барчаси гуноҳ ва фасод эди, буларни бирор инсон қила олмас ва якинлашолмас эди.

Лутнинг даъвати

Мана шу нуктада Аллох уларнинг ораларидан Лут исми бир кишига нубувват ва рисолатни вахий килди. Яхшилик ва солихлик аломатлари кўринди. Аллох унга қавмини ўзгартириш ва ислох қилишни буюрди, Лут (алайхиссалом) буни қабул килди. Мана, у даъватини ошкор қилган ҳолда инсонларни даъват қилиб шундай деди: «Эй қавм! Ўзларингизни (нафсларингизни) покланглар, фахш ишларни тарк қилинглар, эй қавм, албатта, сизларнинг бу қилаётган ишингиз харом, Аллох сизлар мана шундай хидоятсиз ташлаб қўймас эди, мени сизларга элчи қилиб юборди. Мен сизларданман, бу харом ишнинг қаршида жим туролмайман, эй қавм, Аллохга тавба қилинглар ва ниятларингизни унга холис қилинглар.

Мутакаббирлик

Лекин бутун хаётларини фахш ишлар камраб олган ва харом ўзига чўктириб олган (яъни харомга ботиб, чўкиб колган) кавм набийлари Лут (алайхиссалом)нинг сўзини эшитмадилар, балки мутакаббирлик килдилар ҳамда Аллохга ибодат килиш ва харом ишларни тарк килишдан юз ўгирдилар. Бу билан кифояланмай, (ўз фикрларида) катъий туриб мутакаббирлик килдилар, Лут ва унинг сўзини эшитганларни кишлокларидан чиқариб юбориш учун кенгаш килдилар. Нима учун? Чунки Лут ва унга эргашган мўминлар улар каби фахш ишларни килмайдилар. Чунки улар покдирлар. (Кофирлар) унинг олдига огохлантириш учун келиб ундан шахардан чиқиб кетишни талаб килдилар. Унга ваъда бериб, огохлантирдиларки, агар у бирор ёмон иш, гунох килмаса, кувиб чиқаришга мажбур килган бўлади (яъни агар бирор гунохни содир этмаса, бузуклик килмайдиган бўлса, кофирлар уни кувиб чиқаришга ўзларича хакли бўлиб коладилар).

Огохлантириш

Улардаги кайсарлик ва мутакаббирликни кўргач, уларга сўзини айтишни давом эттирди, килаётган ишларининг натижасидан (ёмон бўлишидан) огохлантириб шундай деди: «Агар тавба килиб бу маъсиятларни тарк килмасангиз, албатта, Аллох сизларга осмондан азоб ёғдиради. Эй кавм, албатта, Аллох сизларни кўриб турувчидир ва сизлардан гофил бўлиб колмайди (сизларни кўрмай колмайди), албатта, У кофирларни ва ахлоксизларни яхши кўрмайди, (Аллохга) кайтинглар ва тавба килинглар, гунох ва фахш ишлардан тийилинглар. Эй кавм, албатта, мен сизларга келадиган Аллохнинг азоб-укубатидан кўркаман. Шунда ҳам кавм унинг сўзларини эшитмади, аксинча, (истехзо ила) унинг устидан кулдилар, уни мўминлар билан бирга чиқариб юбориш устида катъий туриб олдилар, чунки улар покланганлар эдилар.

Уларга килган дуоси

Сўнгра Лут (алайхиссалом) ахлоксизлардан кутқаришини ва уларни куфрлари учун жазолашини ҳамда иймон келтирмаган холда ва килган гунохларию бузукликлари учун ва кулоқларини беркитиб олиб пайгамбарларини чиқариб юборишни хоҳлаганлари учун азоблашини Роббисидан сўради.

Эй укаларим, саййидимиз Лут (алайхиссалом)нинг кофир бўлган кавмига килган дуоси мана шундай эди. Албатта, у зот бундай килмасди, фақат уларнинг тобора ортиб бораётган кайсарликларини кўрди. Роббиси таолонинг рисоласини уларга тўлик етказди. Уларни тавба қилишга даъват қилди, сабр қилиб азиятларини кўтарди ва уларни азоб билан оғохлантирди. Шунда ҳам унинг сўзларини эшитмаганларидан кейин уларни дуои бад қилди. Шундай экан, буларнинг барчасидан кейин уларни дуои бад қилишдан қайтариб Аллох таолодан уларга нусрат сўровчи ҳеч ким йўқ эди.

Аллохнинг дуони ижобат қилиши

Эй укаларим, албатта, Аллох Лут ва у билан бирга иймон келтирганларни нусратсиз ташлаб қўймасди ҳамда золим бўлган (ўзларига ўзлари зулм қилган) кофирларни азобламай қўймасди. Бас, улар гунохларини ошқора қилган гунохкорлар эди, саййидимиз Лут (алайхиссалом) эса эшитмасалар ҳам, уларни оғохлантириб (гунох ишлардан) қайтарар эди, охири улар ўзлари дуои бад қилишга мажбур қилдилар. Биз кўряпмизки, бу золимлар уни чиқариб юборолмадилар ва ўзларига келадиган азобни ҳам қайтариб юборолмадилар, Аллох ўз элчиси (алайхиссалом)нинг дуосини ижобат қилди,

кавмга азоб-укубатларни ёғдирди. Лекни бу азоб-укубатлар қандай тугаган экан?

Иброхимнинг хузуридаги фаришталар

Аллох ўз фаришталарини ушбу шаҳар ахлига жўнатди, улар дастлаб Иброхим (алайхиссалом)нинг уйига тушдилар, (улар инсон киёфасида эдилар) у зот уларни (фаришталарни) танитай уларга таом келтирдилар, улар (фаришталар) емадилар, (Иброхим алайхиссалом) улардан (фаришталардан) кўркиб колдилар. Шунда (фаришталар): «Кўркма! Албатта, биз Лутнинг гунохкор бўлган кавмига уларни азоблаш учун юборилган Аллохнинг фаришталаримиз, лекин сенга чакалокнинг (ўғил) хушхабарини бергани келдик», дейишди. У зот хурсанд бўлдилар, аёллари ҳам (кувончдан) кулиб юбордилар (улар тугмас аёл бўлиб, шу вақтгача тугмаган эдилар). Лекин у зотнинг (Иброхим алайхиссаломнинг) Лут (алайхиссалом) кавмига раҳми келди, мўмин бўлган Расулга (Лутга) ҳам бу азобдан бирор азият етишидан кўркдилар, шунда фаришталар жавоб бердилар: «У зотга бирор хавф йўқдир. Фақат хотини, у кофирдир».

Лутнинг кишлогига

Фаришталар саййидимиз Иброхим (алайхиссалом)ни тарк қилиб, хушсурат йигитлар киёфасида золим бўлган кишлокка (Лут кишлоги) кетдилар, улар Лутнинг олдига кирдилар, Лут (алайхиссалом) кавми ўзининг машхур бузуклиги билан шарманда қилишидан кўркди. Мехмонлар келганини (уларнинг фаришталар эканини билмай)

яширишга уринди. Лекин кавм буни билиб колди, ўзларича бу меҳмонлар билан бузуклик килиш хакида ўйладилар. Лутнинг хузуридаги яширин бўлган хушсурат меҳмонлар сирини ким фош қилганди? Бу ерда ушбу сирни билган ва кофирларга етказган кимдир бўлиши керак эди. У (кофирларни) бузукликка чакириши учун ўзи ҳам улар каби кофир бўлиши керак эди.

Лутнинг хотини

Лут (алайхиссалом)нинг хотини бўларди. У кофир эди. Кавмга меҳмонлар келганини зинокорларга хабар қилди. Кофирлар Лутнинг уйига келиб бузуклик қилиш учун меҳмонларни талаб қилдилар, Лут (алайхиссалом) хавфсираб, уларга факат халол ишга яқинлашишларини насихат қилиб, харомдан узоклашишга даъват қилдилар, лекин улар нодон бўлган кофир, ахмок кавм эдилар. Унинг насихатларини эшитмадилар, (харомдан) узоклашмадилар, ундан газабландилар, бир зум ўтар-ўтмас уйга зўравонлик ва шафкатсизлик билан кирдилар, меҳмонларга тайёрланишни хоҳлардилар (яъни меҳмонлар билан бузуклик қилишни хоҳлардилар).

Хакикат

Саййидимиз Лут (алайхиссалом) фосик кавм уйига кириб олганидан махзун бўлиб ўтирарди, фаришталар эса кавм кириб келганида Лут (алайхиссалом)га кулиб қарадилар ва улар Аллох юборган фаришталар эканликларини айтиб, уни тинчлантириб шундай

дедилар: «Эй Лут, биз сени ва сен билан бирга иймон келтирганларни куткариш учун келдик, биздан (бизга бирор нарса бўлишидан) хавфсирамагин, биз сендан туннинг охирида уйни тарк қилиб мўминлар билан бирга бу азоб тушиши керак бўлган кишлокни тарк қилишингни сўраймиз, сен ўзинг билан бирга кофир бўлган хотинингни олмаслигинг керак, албатта, у ҳам азобланувчилардандир». Расул хакикат ойдинлашганидан хурсанд бўлди, ундаги махзунлик тарқалди. Аллохга ҳамд бўлсин!

Ботилнинг ниҳояси

Лут ва (аёлидан бошқа) бутун ахли чиқиб кишлокдан унга ҳеч ачинмаган ҳолда айрилдилар ва ундан анча узок жойга етиб борганларида осмондан азоб тушиши хабари келди. (Осмондан) тошлар ёғди, ер каттик силқинди (кимирлади), уйлар аганади, деворлар кулади, шифтлар пастга йиқилди, юқори (томон) пастга ва паст эса юқорига айланиб қолди, нима бўлди? Албатта, бу азобдир! Албатта, бу укубатдир! Кофирлар вайронаю харобалар тагида қолиб кетдилар. Уйлари аганаган, жасадлари эса тарқалиб ётарди. Буларнинг барчаси ўзларининг тубан қилмишлари ва қуфрлари ҳамда қайсарликлари учун жазо эди, улар мутақаббирлик қилдилар, ҳидоят ва солихликдан юз ўгирдилар, бу ҳеч ажабланарли эмас.

Хакикатнинг ниҳояси

Кизик, кофирлар ўлганидан кейин қим тирик қолди? Нажот топиб яна яшашда давом

этган ким эди? Албатта, улар мўминлардир (яъни Лут, унинг ахли ва у билан бирга иймон келтирганлар) аёли эса кофирлар билан бирга халокатга учраб ўлди. Шундай килиб, хидоят юкорига кўтарилди, залолат пастга тушиб кетди (яъни хакикат ва хидоят залолатдан устун бўлди). Эй укаларим, киссадан хисса шуки, агар биз интилсак, сабр килсак ва азиятларни кўтара олсак, охир-окибатда нусрат, албатта, биз билан бирга бўлади, Аллох барча мутакаббирларни халок киладир, Аллох рост сўзлади: **«Албатта, Аллох такво килганлар ва гўзал ишлар килганлар биландир»**

.

Эй кичик кахрамонларим, киссанинг охирида сизлар билан хайрлашишдан олдин мен сизларга бир савол бермокчиман: «Бу киссаларни нима учун ўқиётганимизни биласизми?» Мен кўряпманки, сизлар: «Ха, эй ака, албатта, биз жавобни биламиз, биз тушуниш учун ўқиямиз, агар биз мана шу киссалардан хакикатни тушуниб олсак, уни (хаётга) татбик киламиз ва унга (барчани) даъват киламиз, албатта, биз мана шундай буюк ва абадий (ўлмайдиган) хамда кимматбахо маъноларга эга сўзларга эргашамиз, албатта, биз Аллох билан биргамиз ва такво килган мўминлар билан бирга бўламиз», демокчисиз. Иймон ва такво неъматини ато этгани учун Аллохга хамд бўлсин, Аллохим бизларни (хак бўлган) сўзларни эшитиб (унинг) яхшисига эргашганлардан килгин, вассаламу алайкум ва рахматуллохи ва барокатуху.